

Туркистон генерал губернатури фон Кауфман 1869 йили Ислон оламида ниҳоятда мўътабар бўлган Мусхафи Усмонни Русия импературига «тортик» килиб юборади ва ўғрилигини оклаш учун Русия маориф нозирига юборган мактубида уялмай-нетмай куйидагиларни ёзади: «Бу Куръон Хожа Ахрор масжидида бўлгани билан унинг мулки эмас, балки Бухоро амирининг хазинасига мансуб. Масжиднинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам унга заруратлари йўқ... Ҳеч ким бу Куръонни ўқий олмайди, шунинг учун неча асрлардан буён ўқилмай ва тиловат қилинмай ётибди. Шундан сўнг генерал Абрамов бу Куръонни олиб, масжид фойдаси учун юз рубл (!) берди. Самарканд уламолари бунга кўп хурсанд бўлдилар. Ёзилиш тарихи жихатидан катта жахоншумул аҳмиятга молик бўлса керак, деган ниҳоятда ушбу Куръонни шошилиш равишда юборяпман». (*Шайх Исмоил Маҳдум, «Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи», Тошкент, 1995 йил*).